*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 199 (8939). • 1986 йил 21 октябрь, • сешанба • Баҳоси 3 тийин

*КПСС XXVII съездининг ленинча йўлидан—коммунистик бунёдкорлик ва тинчлик йўлидан, олға!*

## Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 69 йиллигига КПСС Марказий Комитетининг

# ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 69 йиллиги!

2. Улуғ Октябрга шон-шарафлар!

3. Яшасин абадий барҳаёт революцион таълимот — марксизм-ленинизм!

4. Октябрь ғоялари ва ишлари енгилмаслигининг гарови — совет кишилари барча авлодларининг революцион давомийлиги мустаҳкамланаверсин!

5. Яшасин совет жамиятининг раҳбар ва раҳнамо кучи — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

6. Яшасин ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг бузилмас иттифоқи!

7. Яшасин Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас қардошларча дўстлиги!

8. Партия билан халқнинг бирлиги мустаҳкамланаверсин!

9. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! КПСС XXVII съездининг тарихий қарорларини астойдил, ҳалол меҳнат билан амалга оширайлик!

10. Советлар мамлакатининг гражданлари! Қайта қуриш ҳамманинг ва ҳар бир кишининг иши! Экономикада, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида революцион ўзгартишларни фаол қарор топтирингиз!

11. Коммунистлар! Меҳнатсеварлик ва юксак ахлоқийлик шахсий намунаси билан меҳнаткашларни КПСС XXVII съезди ўртага қўйган вазифаларни бажаришга сафарбар қилингиз!

12. Комсомоллар ва ёшлар! Жадаллаштириш вазифаларини ҳал қилишга дадил, фаол, новаторларча киришингиз!

ВЛКСМ XX съездини муносиб кутиб олайлик!

13. Оташин ватанпарвар, толмас меҳнатчи, меҳрибон она — совет хотин-қизларига шон-шарафлар!

14. Партия, уруш ва меҳнат ветеранлари! Бундан буён ҳам коммунизм иши учун актив курашчилар сафида бўлингиз!

15. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Социалистик мусобақани авж олдирингиз! Олға қараб ҳаракат суръатларини оширингиз, хотиржамлик ва бепарволикка йўл қўймангиз!

1986 йил план топшириқларини бажарайлик! XII беш йилликнинг яхши бошланишини таъминлайлик!

16. Мамлакат меҳнаткашлари! Меҳнат унумдорлигини сабот билан оширингиз! Бунинг учун ҳар бир коллективда, ҳар бир иш жойида барча резервлардан фойдаланингиз!

17. Жадаллаштириш маромида фидокорона ишлаётган, эскириб қолган норма ва одатларни қатъий тугатаётган ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларига шон-шарафлар!

18. Халқ хўжалиги меҳнаткашлари! Маҳсулотнинг юксак сифати учун, совет маркаси шарафи учун курашингиз! Техника қолоқлиги, брак йўлига пухта ғов солингиз!

19. Меҳнаткашлар! Исрофгарчиликка қарши курашда тежамкор, талабчан бўлингиз, қаттиқ тежамкорлик режимига амал қилингиз!

20. Саноат корхоналари, совхозлар ва колхозларнинг меҳнаткашлари! Хўжалик ҳисобини ва коллектив пудратни кенг жорий этингиз! Меҳнатнинг пировард натижалари учун кўпроқ мустақиллик, ташаббус, масъулият бўлсин!

21. Олимлар, инженерлар, конструкторлар, ихтирочилар! Совет фанини ривожлантирингиз! Принципиал янги, жаҳонда энг яхши техника ва технологияни ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш учун дадил курашингиз!

22. Машинасозлар! Сизлар фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун курашчиларнинг олдинги сафларида бормоқдасиз! Янги, серунум, пишиқ-пухта машина ва ускуналарни яратиш — сизларнинг бурчингиздир!

23. Саноат ходимлари! Янги, илғор техникани актив жорий этингиз, ундан самарали фойдаланишга эришингиз!

24. Нефть, газ, кўмир ва металлургия саноати меҳнаткашлари! Экономиканинг ёқилғи, хом ашё ва материалларга бўлган талаб-эҳтиёжларини пухта таъминлангиз!

25. Химия индустриясининг ходимлари! Халқ хўжалигини химиялаш даражасини сабот билан оширингиз! Маҳсулотнинг прогрессив турларини ишлаб чиқаришни кенгайтирингиз!

26. Совет қурувчилари! Ишлаб чиқариш ва социал соҳадаги объектларни сифатли ва ўз муддатида барпо этингиз!

Қурилиш комплекси самарадорлигини оширингиз!

27. Транспорт ходимлари! Мамлакат транспорт системасининг аниқ-пухта ишлашини таъминлангиз! Халқ хўжалик юкларини узлуксиз ташингиз!

28. Агросаноат комплекси меҳнаткашлари! Мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилангиз! Далалар ва фермалар маҳсулдорлигини оширишнинг ишончли воситаси — интенсив технологияларни кенг қўллангиз!

29. Халқ маорифи ходимлари! Ёш авлодга таълим ва коммунистик тарбия беришни такомиллаштирингиз!

30. Соғлиқни сақлаш ходимлари! Совет кишиларининг соғлиғини сақлаш сизга ишониб топширилган! Ишда сифат ва масъулиятни оширингиз! Соғлом турмуш тарзини активроқ қарор топтирингиз!

31. Савдо ва умумий овқатланиш, маиший хизмат ва коммунал хўжалик ходимлари!

Кишиларнинг кайфияти сизларнинг ишингизга боғлиқ! Хизмат кўрсатишнинг замонавий турларини зўр ғайрат билан ривожлантирингиз! Аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини оширингиз!

32. Советлар мамлакатининг гражданлари! Жамиятга иқтисодий ва маънавий зарар етказаётган, совет қонунларини бузаётган кишиларга нисбатан муросасиз бўлингиз! Тартибсизликка, ичкиликбозликка, меҳнатсиз даромадларга қарши қатъий курашингиз!

33. Бошқариш ходимлари! Меҳнат жараёни аниқ-пухта ташкил этилишини таъминлангиз! Иш услуби ва методларини яхшилангиз, бюрократизмни, маҳкамачиликни, маҳаллийчиликни таг-томири билан тугатингиз!

34. СССР гражданлари! Жамиятимизни янада демократлаштиришда актив қатнашингиз! Мамлакат хўжайинлари бўлингиз!

35. Яшасин СССРнинг сиёсий негизи, халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқариш асосий бўғини—халқ депутатлари Советлари!

36. Совет касаба союзлари! Омманинг меҳнат активлигини, ташаббускорлигини, ижодкорлигини ривожлантирингиз, уларнинг меҳнат, турмуш, дам олиш шароитларини яхшилашга эришингиз!

37. Совет маданияти арбоблари! Меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган маънавий талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондирингиз! Социалистик даврга муносиб асарлар яратингиз!

38. Совет жангчилари! Халқимизнинг тинч, бунёдкорлик меҳнатини, Улуғ Октябрнинг тарихий ғалабаларини сергаклик билан пухта ҳимоя қилингиз!

СССР шавкатли Қуролли Кучларига шон-шарафлар!

39. Советлар мамлакатининг меҳнаткашлари! Беш йиллик меҳнат фронтида зарбдорларча ишлаб, социализм ва тинчлик ишини мустаҳкамлайлик!

40. Социалистик мамлакатларнинг халқларига қардошлик саломи!

Қардош социалистик давлатларнинг дўстлиги ва жипслиги мустаҳкамланаверсин!

41. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Яшасин пролетар, социалистик интернационализми!

42. Коммунистик ва ишчи партияларга қардошлик саломи!

Тинчлик ва социализм учун курашда барча мамлакатлар коммунистлари синфий бирдамлиги ва ҳамкорлиги мустаҳкамланаверсин!

43. Жаҳон халқлари! Халқаро вазиятни соғломлаштириш, давлатлар ўртасида амалий ҳамкорлик учун курашни кучайтирайлик!

44. Барча мамлакатларнинг халқлари! Ажал келтирувчи қурол-яроғлар кўпайтирилишига қарши, ядро синовлари тўхтатилиши учун, ядро қуролининг батамом тугатилиши учун қатъий курашингиз!

Космос ҳарбийлаштирилишига йўл қўймаймиз!

45. Жаҳон халқлари! Империалистларнинг зўравонлик, талончилик, террорчилик, қароқчилик сиёсатига қарши актив курашингиз!

Марказий Америкада, Африка жанубида, Яқин ва Ўрта Шарқда можароли вазиятларнинг сиёсий йўл билан бартараф этилишини талаб қилингиз!

46. Европа халқлари! Мустаҳкам тинчлик ва яхши қўшничилик муносабатлари учун, қитъада кескинликни юмшатиш ва хавфсизлик учун курашингиз!

47. Осиё —Тинч океани мамлакатлари халқлари! Регионда халқаро хавфсизликни ва тинч ҳамкорликни таъминлаш учун куч-ғайратни бирлаштирайлик!

48. Яшасин Совет Иттифоқининг ленинча ташқи сиёсати—халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги, кенг халқаро ҳамкорлик сиёсати!

49. Яшасин Улуғ Октябрь Ватани— Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

50. КПСС XXVII съездининг ленинча йўлидан — коммунистик бунёдкорлик ва тинчлик йўлидан, олға!

## *Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида*

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг 18 октябрь куни бўлиб ўтган мажлисида капитал қурилишга партиявий раҳбарлик қилишдаги жиддий камчиликлар ва 1986 йил 9 ойи планининг бажарилиш якунлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Бу тармоқдаги қайта қуриш суст бораётганлиги уқтириб ўтилди. Республикадаги капитал қурилиш танг соҳалигича қолмоқда, бу эса социал-иқтисодий ривожланишни орқага сурмоқда. Асосий фондларни ишга тушириш, капитал маблағларни ўзлаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари юзасидан белгиланган тўққиз ойлик план бажарилмади. Навоий областида айниқса қониқарсиз вазият вужудга келди, бу ерда асосий фондларни ишга тушириш йиллик планы 9 ой мобайнида атиги 25 процент бажарилди. Сурхондарё, Андижон, Жиззах, Бухоро, Самарқанд, Сирдарё областларида, Қорақалпоғистон АССРда ва Тошкент шаҳрида асосий фондларнинг йиллик планга нисбатан ярмидан камроғи ишга туширилди.

Область партия комитетлари капитал қурилишга тузукроқ эътибор бермаяптилар, вужудга келган аҳволни танқидий баҳоламаяптилар, давлат плани сўзсиз бажарилиши учун шаҳар, район партия комитетларига, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларига ва хўжалик раҳбарларига нисбатан талабчанликни пасайтириб юбордилар. Уй-жой, маданий ва маиший объектлар қурилишини партиявий контролдан четда қолдирмоқдалар. Тольяттиликларнинг шу объектларда асосий ишдан бўш бўлган 4 кун мобайнида ишлаб бериш тўғрисидаги ташаббуси республикада кенг ёйилиши таъминланмади.

Республиканинг пудратчи министрликлари ва идоралари зарур моддий-техника ва меҳнат ресурсларини ишга тушириладиган объектларга ҳали ҳам марказлаштирганлари йўқ. Кўпгина қурилишларда техникадан самарасиз фойдаланилмоқда, меҳнатни ташкил этиш ва ишлаб чиқариш маданияти савияси паст, бекор туриш ҳолларига ва иш вақтининг унумсиз ўтишига йўл қўйилмоқда. Қурилиш коллективларини икки-уч сменали иш режимига ўтказиш тадбирлари секинлик билан амалга оширилмоқда. «Главташкентстрой» пудрат ишлари планининг бажарилишини муттасил барбод қилиб келмоқда, шунинг оқибатида шаҳарда қарийб 50 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилмай қолди. Топширилган участкадаги ишнинг муваффақиятини таъминламаётган бир қанча министрликлар, идоралар, бирлашма ва корхоналарнинг раҳбарлари шаънига жиддий мулоҳазалар айтилди.

Жумладан, Ўзбекистон ССР Саноат паррандачилиги давлат комитети, Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси капитал қурилиш планининг бажарилишини ташкил қилишдан ўзларини четга олдилар, қурилишларни лойиҳа-смета ҳужжатлари ва асбоб-ускуналар билан ўз вақтида таъминламаяптилар, ер участкалари ажратиб беришни ва улардаги мавжуд иморатларни бузиб ташлашни пайсалга солмоқдалар. Республика Госплани, кўпгина министрликлари ва идоралари ўн иккинчи беш йилликка ўтган қурилиш ва объектларни ревизия қилиб, ўзининг техникавий даражаси жиҳатидан замонавий талабларга мос келмайдиган объектларнинг қурилишини тўхтатиб қўйишни таъминламадилар. Госснаб, буюртмачи ташкилотлар қурилишларнинг моддий-техника таъминоти масалаларини оператив ҳал этмаяптилар. Республика Марказий статистика бошқармаси капитал қурилишга оид ҳаққоний ахборотга эга эмас, у мавжуд камчиликларнинг сабабларини таҳлил этмаяпти.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари, министрликлар ва идоралар мамлакат қурилиш комплексининг хўжалик механизмини ҳамда бошқарилишини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан партия билан ҳукумат қабул этган қарорларнинг мазмуни ва моҳиятини ҳамон меҳнат коллективларига, уларнинг бошланғич партия ташкилотларига етказганлари йўқ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси қабул этган қарорда область партия комитетларининг, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларининг, республика министрликлари ва идораларининг капитал қурилишга раҳбарлик қилиш соҳасидаги ишини қониқарсиз деб топди ва бу иш партия XXVII съездининг ва КПСС Марказий Комитети 1986 йил июнь Пленумининг талабларига жавоб бермайди, деб ҳисоблади.

Марказий Комитет Бюроси капитал қурилишга партиявий раҳбарликда жиддий нуқсонлар борлигига ва давлат планини бажариш учун талабчанлик пастлигига область партия комитетларининг эътиборини қаратиб, уларнинг зиммасига 1986 йилги капитал қурилиш планини сўзсиз бажаришни таъминлайдиган конкрет чора-тадбирларни кўриш, капитал маблағ планларини ва объектларни белгиланган муддатларда ишга туширилишини барбод қилаётганларнинг фаолиятига принципиал баҳо бериш вазифасини юклади.

Халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетларига, министрликлар ва идораларга, пудратчиларга, буюртмачиларга ва қурилиш ишларида қатнашувчи бошқа ташкилотларга капитал қурилишдаги ишларнинг аҳволини тубдан яхшилашни ва мавжуд қолоқликни тугатишни таъминлайдиган чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш таклиф қилинди.

Капитал қурилишни планлаштиришни ташкил этишда катта камчиликларга йўл қўйганлиги ва раҳбар органларнинг шу масалаларга оид қарорларини писанд қилмаганлиги учун Ўзбекистон ССР Госплани раисининг ўринбосари ўртоқ М. Д. Мухортовга КПСС аъзоси учет карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинди.

Капитал қурилишга қониқарсиз раҳбарлик қилганлиги учун Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори ўртоқ К. Г. Содиқовга КПСС аъзоси учёт карточкасига ёзиш шарти билан виговор эълон қилинди.

Капитал қурилишга қониқарсиз раҳбарлик қилаётганликлари, шу йил 9 ойлик давлат плани бажарилмаганлиги учун Ўзбекистон ССР Саноат паррандачилиги давлат комитетининг раиси ўртоқ Б. А. Пискунов ва «Главташкентстрой» бошлиғи ўртоқ К. П. Дудин қаттиқ партиявий жазога лойиқ эканликлари қайд этилди. Уларнинг йил охиригача қолган давр ичида топширилган участкадаги ишларнинг аҳволини тубдан яхшилаш, йўл қўйилган қолоқликни тугатиш юзасидан зарур бўлган ҳамма чораларни кўрамиз, деб берган ваъдалари инобатга олинди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ Қ. Ҳ. Маҳамадалиевнинг эътибори республика қурилиш комплексига суст раҳбарлик қилинаётганлигига, бу эса шу йил 9 ойлик капитал қурилиш плани бажарилмаслигига олиб келганлигига қаратилди ва умуман 1986 йил планини сўзсиз бажариш учун қўшимча чора-тадбирларни кўриш таклиф қилинди.

Марказий Комитет Бюросининг мажлисида Ўзбекистон ССРда 1987 йилги капитал қурилиш планини тузиш қандай бораётганлиги кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III пленуми қатнашчилари айтган таклифлар ва танқидий мулоҳазаларни амалга оширишга доир тадбирлар тасдиқланди.

Марказий Комитет Бюроси партиявий ишнинг, иқтисодий ва социал қурилишнинг бошқа баъзи масалаларини муҳокама қилиб, улар юзасидан қарорлар қабул қилди.

## Республика журналистларининг биринчи навбатдаги вазифалари

18 октябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган матбуот конференцияси оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III пленумининг қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларига бағишланди.

Матбуот конференциясида район, шаҳар, область, республика газеталари, журналлар, нашриётлар, телевидение ва радиоэшиттириш ходимлари қатнашдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева улар ҳузурида нутқ сўзлади. Шундан кейин журналистларнинг саволларига жавоблар қайтарилди.

(ЎзТАГ).

## ЧИНОЗ РАЙОНИ ПАХТАКОРЛАРИ ҒАЛАБАСИ

**ЙИҒИМ-ТЕРИМ мавсумини уюшқоқлик билан олиб бораётган Чиноз райони меҳнаткашлари давлатга пахта сотиш йиллик планини областда биринчи бўлиб бажардилар. Давлатга 29 минг тоннадан кўп хом ашё топширилди. Ҳосилдорлик 31,5 центнердан ошди. Механик-ҳайдовчилар «зангори кема» бункерларидан 18 минг тоннадан зиёд пахта тўкдилар.**

**Эришилган ютуққа «Октябрь 40 йиллиги», К. Маркс номли, «Қизил Октябрь», Навоий номли, Охунбобоев номли, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозлари, «Партия XXIV съезди» совхози меҳнаткашлари катта ҳисса қўшдилар.**

(Чиноз райони пахтакорлари ғалабасига бағишланган материаллар газетанинг учинчи саҳифасида эълон қилинмоқда).

## «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА



### ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 20 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун машина терими — бир кунлик, бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **Чиноз** | **1,63** | **103,07** | **2,02** | **100,25** |
| Ўрта Чирчиқ | 2,61 | 89,28 | 2,39 | 108,67 |
| Пискент | 2,17 | 88,27 | 1,67 | 88,56 |
| Янгийўл | 2,71 | 85,15 | 1,83 | 78,46 |
| Бекобод | 1,90 | 80,14 | 1,15 | 74,46 |
| Коммунистик | 3,15 | 79,27 | 3,52 | 97,24 |
| Оққўрғон | 1,91 | 79,01 | 1,70 | 86,16 |
| Ғалаба | 2,35 | 78,05 | 2,78 | 95,49 |
| Бўка | 2,17 | 74,32 | 1,92 | 81,58 |
| Область бўйича: | 2,22 | 82,33 | 2,02 | 88,62 |

РЕСПУБЛИКА областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида маълумот (мавсум бошидан буён, планга нисбатан процент ҳисобида): Фарғона — 88,31; Наманган —72,61; Сурхондарё — 72,27; Сирдарё — 70,76; ҚҚАССР — 69,38; Хоразм —66,52; Бухоро — 63,49; Андижон — 56,37; Самарқанд — 54,35; Жиззах — 54,19; Навоий — 44,72; Қашқадарё — 42,12; республика бўйича — 64,97.

# ЙИЛИМИЗНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАЙЛИК

## СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ 1986 ЙИЛ ТЎҚҚИЗ ОЙИДА БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

### *СССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ АХБОРОТИНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ*

1986 йил январь-сентябрь ойларининг якунлари КПСС XXVII съезди қарорларига мувофиқ мамлакатда қайта қуриш жараёни тобора дадил кучайиб бораётганидан, экономикада ижобий силжишлар рўй бераётганидан, халқ хўжалиги кўпгина тармоқларини ривожлантириш кўрсаткичлари ўтган йилнинг тегишли суръатларидан ва шу йилнинг план топшириқларидан ошиб бораётганидан далолат бериб турибди.

Умумий иқтисодий кўрсаткичларнинг кўпчилиги юзасидан белгиланган топшириқлар бажарилмоқда.

Ҳосил қилинган **миллий даромад** 1985 йилнинг тўққиз ойига нисбатан 18 миллиард сўмлик ёки 4,3 процент кўпайди.

Шу даврда **саноат маҳсулоти** 31 миллиард сўмлик миқдорда ёки йиллик пландаги 4,3 процент ўрнига 5,2 процент кўпайди. Маҳсулотнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган планни ва шартномавий мажбуриятларни бажариш яхшиланди.

Давлат капитал маблағлари ҳисобига **асосий фондларни** ишга тушириш 8,5 миллиард сўмлик миқдорида ёки 12 процент кўпайди.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, маҳсулот сифатини яхшилашга, ресурсларни тежашга, саноатда, агросаноат ва қурилиш комплексларида, савдода, транспортда, моддий-техника таъминотида бошқарувни ва хўжалик механизмини такомиллаштиришга оид катта-катта тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Халқ хўжалигининг барча бўғинларида моддий ресурсларни тежаш иши кучайтирилди. Ёқилғи-энергетика ресурслари, рангли металлар прокати ва қувурлар ишлатиш нормасини камайтириш юзасидан белгиланган топшириқлар бажарилди. 15 миллион тоннага яқин шартли ёқилғи, 24 минг тоннадан зиёд рангли металлар прокати ва 50 минг тоннадан кўпроқ қувур тежаб қолинди. Иккиламчи хом ашёни халқ хўжалигига жалб этиш кўпайтирилди. Шу билан бирга айрим министрлик ва идоралар моддий ресурсларни тежаш, иккиламчи хом ашёдан фойдаланиш топшириқларини уддалай олмадилар.

Қишга тайёргарлик ниҳоясига етказилмоқда. Халқ хўжалигини таъминлаш учун ёқилғи запаслари кўпайтирилди. **Меҳнат интизоми ошди.** Иш вақти зое ўтиши анча қисқарди. Меҳнаткашларни асосий фаолиятдан асоссиз чалғитиш камайди. Аммо буларнинг ҳажми ҳали ҳам анча катта.

Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг хўжалик юритиш пировард натижаларини яхшилашга қаратилган илғор формалари оммалаштирилди. Иш жойлари аттестациядан ўтказилди.

**Шу билан бирга халқ хўжалигини интенсивлаш изларига ўтказиш суст олиб борилмоқда, кўпгина меҳнат коллективлари ҳали ҳам қайта қуришга қўшилгани йўқ.** Саноат тўққиз ойлик планни умуман бажаргани ҳолда, сентябрь топшириғини уддалай олмади. Квартал охирида маҳсулот турлари, шартномаларга мувофиқ маҳсулот етказиб бериш юзасидан белгиланган планни бажаришда анчагина орқада қолишга йўл қўйилди. Маҳсулотларнинг техникавий даражасини, сифати ва пишиқ-пухталигини ошириш соҳасидаги иш унчалик кенг кўламда олиб борилмаяпти. Оғир ва транспорт машинасозлиги, электр техника саноати, Химия ва нефть машинасозлиги, Станоксозлик ва асбобсозлик саноати, Чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш машинасозлиги, Нефть саноати, СССР Енгил саноат министрликларида, СССР Давлат агросаноат комитетида ишлаб чиқаришни ўстириш суръатлари йиллик план топшириқларидан пастроқ бўлди.

Кўпгина ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш соҳасида тиғиз аҳвол вужудга келди. Уй-жой ва социал-маданий объектлар қурилиши юзасидан белгиланган тўққиз ойлик план бажарилмади.

**Ташқи савдо обороти** 95 миллиард сўмни ташкил этди. Социалистик мамлакатлар билан ташқи савдо ривожланмоқда. Ташқи иқтисодий ҳамкорликнинг янги формаларини қарор топтириш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялашни чуқурлаштириш, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар корхоналарининг бевосита алоқаларини мустаҳкамлаш жараёни давом этмоқда.

### I. ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ

Халқ хўжалигида беш йиллик планда белгиланган техниканинг янги туркумларини, илғор технологияларни, тармоқлараро қўлланиладиган конструкцион материалларни вужудга келтириш ва ўзлаштиришга қаратилган фан-техника программаларини амалга ошириш бошланди.

Ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилишга ва техника билан қайта қуроллантиришга давлат капитал маблағидан 24 миллиард сўмдан зиёд ёки ўтган йилнинг тўққиз ойидагига нисбатан 25 процент кўп пул ишлатилди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг техникавий даражаси, унинг дунёдаги энг яхши намуналарга мувофиқлиги чамалаб кўрилмоқда.

**Ёқилғи-энергетика комплекси** тармоқларида ресурсларни тежайдиган технологияларни қўлланиш миқёслари кенгайди. Кўмирни очиқ усулда ва нефтни қатламга таъсир ўтказишнинг янги методларини қўлланиб қазиб чиқариш кўпайди. Бироқ, нефть билан аралашиб чиқадиган газнинг, шунингдек нефтни обдон қайта ишлаш етарли эмаслиги оқибатида унинг анчагина қисми ҳали ҳам нобуд бўлмоқда.

**Металлургия комплекси** корхоналарида юпқа листли электр-техникабоп ва зангламайдиган арматурабоп пўлат ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Печдан ташқари вакуум усулида, пишиқликни оширувчи чўкичлаш ёрдамида тайёрланган пўлатдан, кам легирланган пўлатдан прокат ишлаб чиқариш кўпайди.

Шу билан бирга узлуксиз пўлат қуйиш, темир кукунлар, юксак даражада пишиқ бурғулаш қувурлари ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган топшириқлар бажарилмади.

**Машинасозлик комплексида** штамповкалар ишлаб чиқаришда қўлланиладиган илғор технология жараёнларидан фойдаланиш кенгайди, материалларга плазма усулида ишлов берадиган юксак самарали асбоб-ускуналар жорий этилди.

Ҳисоблаш техникасининг янги воситаларини, қуёш энергияси ҳисобига электр энергия ҳосил қиладиган асбоб-ускуналарни, тупроққа минерал ўғит ва оҳак соладиган кенг қамровли машиналарни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Рақамли программа асосида бошқариладиган металл қирқиш станоклари, қайта ишлаш марказлари, ротор ва ротор-конвейерли линиялар, саноат роботлари, мослашувчан ишлаб чиқариш модуллари, эксплуатация ва разведка мақсадида чуқур пармалаш учун монтаж қобилияти оширилган бурғулаш қурилмалари, янги туркумга мансуб тежамли насослар ишлаб чиқариш илдам суръатлар билан оширилди.

Шу билан бирга янги юксак самарали маҳсулотнинг айрим турларини ишлаб чиқаришнинг пландаги ҳажмлари таъминланмади.

**Ўрмон химияси комплекси** корхоналари халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлатиладиган материаллар ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Шина ва балиқ саноати учун юксак даражада мустаҳкам полиамид мононити, медицина препаратларини фильтрлаш учун қўлланиладиган мембранлар, вакцина, зардоблар, алоҳида соф эриткичлар ҳосил қилиш шу жумлага киради.

Саноат маҳсулотининг 500 дан кўпроқ тури давлат Сифат белгисидан маҳрум этилди.

**Халқ истеъмол қиладиган** моллар ишлаб чиқариш кўпаймоқда, бироқ улардан кўпларининг сифати ҳали ҳам харидорларнинг ошиб бораётган талабларига мос келмайди. Мураккаб рўзғор техникаси хусусида, айниқса, кўп шикоят тушмоқда.

**Агросаноат комплексида** 1987 йил ҳосили учун 29 сентябргача 13,2 миллион гектар ёки топшириқнинг 79 процентига тенг келадиган ерга кузги экинлар экилди.

Озиқ-овқат саноатида қишлоқ хўжалик хом ашёсини чиқит кам чиқадиган усулда комплекс қайта ишлашни таъминлайдиган технологиялар жорий қилинди.

Шу билан бирга хўжаликларда кўпгина қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қиладиган машиналарнинг зарур системаси, шунингдек, озиқ-овқат саноатида прогрессив асбоб-ускуналарнинг йўқлиги маҳсулотнинг нобуд бўлишини тез қисқартиришни таъминлаш имкониятини бермаяпти.

Темир йўл **транспортида** оғир юкли ва узун составли поездларни бошқариш янада ривож топди. Поездга ортиладиган соф юкнинг ўртача оғирлиги кўпайди.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортида суюлтирилган ва қисилган газ ёрдамида ишловчи автомобилларда бажарилган юк обороти икки ҳисса кўпайди. Бироқ автомобилларда ташилаётган умумий юклар ҳажмида бу усулда ташилаётган юкларнинг улуши озлигича қолмоқда.

**Қурилиш комплексида** индустриялаш даражасини оширишга оид тадбирлар рўёбга чиқарилди. Қурилиш машиналари парки қурилиш ва монтаж ишларини комплекс механизациялашни таъминлайдиган янги механизмлар билан тўлдирилди. Аммо улардан қониқарли фойдаланилмаяпти. Асосий турдаги машиналарнинг иш унуми унчалик кўпайгани йўқ, уларнинг ремонтда туриши нормативда белгиланганидан 1,5—2 баравар ошиб кетмоқда.

Фан ва техникани ривожлантириш плани ҳамда фан-техника программалари топшириқлари бажарилмади. СССР Қора металлургия, Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги, Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги, Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ҳамда рўзғор асбоблари, СССР Бинокорлик материаллари саноати, СССР Балиқ хўжалиги, медицина ва микробиология саноати министрликлари, СССР Давлат агросаноат комитети энг кўп қолоқликка йўл қўйдилар.

### II. САНОАТ

Машинасозлик илдам суръатлар билан ривожланмоқда. Кўмир саноати, қора металлургия барқарор ишлаб турибди. Нефть қазиб чиқариш саноатидаги қолоқлик бартараф этилмоқда. Маданий-маиший ва рўзғор моллари ишлаб чиқариш кўпайтирилмоқда.

Кўпчилик министрликлар ва аввало, хўжалик юритишнинг янги шароитларида ишлаётган министрликларда маҳсулот етказиб бериш юзасидан белгиланган шартномавий мажбуриятларни бажариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан яхшиланди.

Барча иттифоқдош республикалар ва саноат министрликлари (Радио саноати министрлигидан ташқари) маҳсулот реализация қилиш планини бажарди. Саноат маҳсулотининг **таннархини камайтириш** ва **фойдани кўпайтириш** плани бажарилди.

**Меҳнат унумдорлиги** 4,8 процент ошди, ишлаб чиқаришни ўстиришнинг 94 проценти шу йўл билан ҳосил қилинди. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши ўртача иш ҳақининг ошишидан илдамроқ борди.

Мамлакатнинг бир қанча областларида корхоналарни икки-уч сменали иш режимига ўтказишни ташкил этишга киришилди.

Тўққиз ойлик пландан ташқари 11 миллиард кубометр газ, 13 миллион тонна кўмир, 2,4 миллион тонна темир руда қазиб олинди, 1,9 миллион тонна пўлат эритилди, 737 минг тонна қора металларнинг тайёр прокати, 68 минг тонна пўлат қувур, 35 миллион сўмлик металл қирқиш станоклари, мингтага яқин саноат роботи, 248 миллион сўмлик прибор, автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникаси воситалари, 19 миллион сўмлик қишлоқ хўжалиги машиналари, 702 та экскаватор, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг 4,4 минг тонна химиявий воситалари, 66 минг тонна олтингугурт кислотаси, 10 минг тонна химиявий тола ва ип, 344 мингта шина, 105 минг тонна қоғоз, 492 минг тонна цемент, 285 минг кубометр йиғма темир-бетон ишлаб чиқарилди.

Халқ истеъмол қиладиган кўпгина молларни ишлаб чиқариш топшириқлари ошириб бажарилди. Пландан ташқари 35 миллион квадрат метр газлама, 8 миллионта ички ва устки трикотаж, 2,2 миллион жуфт пойабзал, 7,5 мингта радиоприемник қурилмаси, 5,2 мингта холодильник ва морозильник, 121 миллион сўмлик мебель ва бошқа кўпгина маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Шу билан бирга саноат ишидаги камчиликлар суст тугатилмоқда. Ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари шартномаларда ва нарядларда белгиланган номенклатура юзасидан 6,4 миллиард сўмлик маҳсулотни кам етказиб бердилар. Ҳар уч корхонанинг бири шартнома интизомини бузишга йўл қўйди. Умуман саноатда маҳсулот етказиб беришни эътиборга олганда маҳсулот реализация қилиш плани 98,7 процент бажарилди.

Нефть қазиб олиш, ўзгарувчан ток электр двигателлари, химия асбоб-ускуналари, минерал ўғитлар, каустик сода, синтетик смола ва пластмассалар, рангли телевизорлар ишлаб чиқариш плани бажарилмади.

Машинасозлик ва ўрмон химияси комплексларининг бир қанча тармоқлари ишида сентябрда рўй берган қолоқлик саноат ишининг умумий якунларига таъсир қилди.

Бир қанча тармоқларда ва аввало, машинасозликда бир маромда ишламаслик давом этмоқда. Станоксозлик, оғир, қурилиш ва йўл машинасозлиги маҳсулотининг айрим турлари бўйича ойлик программанинг учдан бир қисмидан кўпроғи ойнинг охирги кунларида ишлаб чиқарилмоқда, бу эса маҳсулот сифатининг пасайишига олиб бормоқда, транспорт ишида қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Кўпгина бирлашма ва корхоналарда асосий фондлардан самарали фойдаланилмаяпти. Машинасозликда металл қирқиш асбоб-ускуналари бир сменадан сал кўпроқ вақт мобайнида ишлатилмоқда.

Бир қанча министрлик ва идоралар янги ишга туширилган ва реконструкция қилинган қувватларни кечикиб ўзлаштирдилар, моддий ресурсларни тежаш ва маҳсулот таннархини камайтириш топшириқларини бажармадилар. Ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналарининг қарийб бешдан бир қисми молиявий натижаларга оид планни бажармади.

### III. АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ

Агросаноат комплексида **йиғим-терим** ишлари тугалланмоқда, қишлоқ хўжалик маҳсулоти қайта ишланмоқда.

5 октябргача 104,9 миллион гектар ердаги ёки ажратилган майдонларнинг 95 процентидаги дон ва дуккакли дон экинлари ҳосили йиғиштириб олинди.

Пахтакор республикалар пахта теришга киришдилар.

Ем-хашак ғамлаш бултургидан бироз яхшироқ бормоқда. 5 октябргача озуқа бирлигига айлантириб ҳисоблаганда 128,7 миллион тонна ёки планнинг 93 проценти миқдорида ем-хашак тайёрланди, ўтган йили шу кунгача 127,8 миллион тонна ем-хашак тайёрланган эди. Ҳар бир шартли қорамол ҳисобига бултурги 14,7 центнер ўрнига 14,9 центнер озуқа бирлиги ғамлаб қўйилди. Ўзбекистон ССР, Молдавия ССР, Ростов, Пенза областлари, Мари, Мордва, Қалмоқ, Чечен-Ингушия автоном республикалари ва Приморье ўлкаси хўжаликларида ем-хашак тайёрлаш планидан анча орқада қолинди.

1987 йил ҳосилини таъминлаш борасидаги ишлар бирмунча юқори суръатлар билан ўтказилмоқда. 33,6 миллион гектар ерга кузги экинлар экилди. Кузги экинларни экиш плани 86 процент бажарилди. 75,2 миллион гектар, яъни бултургидан 7,6 миллион гектар кўп ер шудгор қилиб қўйилди.

**Давлат йўли билан** дон, айниқса, кучли ва қаттиқ навларга мансуб буғдой харид қилиш кўпайди. РСФСР, Украина ССР, Белоруссия ССР, Қозоғистон ССР, Ўзбекистон ССР, Қирғизистон ССР, Озарбайжон ССР, Грузия ССР, Туркманистон ССРнинг 85 та области (ўлкалари, автоном республикалари) колхоз ва совхозлари дон сотиш планини бажарди.

Умуман мамлакатда 14 миллион тонна ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,5 миллион тонна, яъни 21 процент кўп картошка, 12,9 миллион тонна ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 461 минг тонна (яъни 4 процент) кўп сабзавот, 2,3 миллион тонна ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 237 минг тонна, яъни 12 процент кўп мева ва резавор мева харид қилинди.

Деҳқончилик маҳсулотларини давлатга сотиш давом этмоқда.

Пландаги харид ҳажми ҳисобига колхоз бозорларида, матлубот кооперацияси орқали сотилаётган маҳсулотнинг солиштирма салмоғи ҳали ҳам оз.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида тўққиз ой мобайнида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **гўшт ва тухум** етиштириш 7 процент, **сут** етиштириш 5 процент кўпайди. Маҳсулот етиштиришни ўстиришга асосан чорва ва паррандалар маҳсулдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут 6 процент кўпайди, қорамолнинг ўртача суткалик семириши 3 процент ва чўчқаларнинг семириши 5 процент, товуқларнинг тухум қилиши 4 процент ортди. Моллардан насл олиш кўпайди, туёқни сақлаб қолиш яхшиланди.

**Давлат йўли билан харид қилинган** қорамол ва парранда (тирик вазнда) 14,8 миллион тоннани, сут 58,2 миллион тоннани, тухум 41,2 миллиард донани ташкил қилди. Ўтган йилнинг тўққиз ойига нисбатан бу маҳсулотларнинг ҳажми: мол ва парранда 7,6 процент; сут 4,5 ва тухум 5,6 процент кўпайди.

Қорамол ва парранда, сут, тухум харид қилиш тўққиз ойлик планини барча иттифоқдош республикалар бажардилар, Ўзбекистон ССР билан Эстония ССР сут харид қилиш планини бажармади.

Агросаноат комплекси **озиқ-овқат тармоқларининг** ходимлари озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг планлаштирилган ҳажмларини асосан бажардилар.

Ликер-арақ ва вино маҳсулотлари ишлаб чиқариш қисқариб бормоқда, бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўтган йилнинг тўққиз ойига нисбатан 35 процент камайди.

**Агросаноат комплексининг моддий-техникавий базаси** мустаҳкамланмоқда. Тракторлар, юк автомобиллари, асосий турдаги қишлоқ хўжалик машиналари ва химиявий озуқа қўшимчалари етказиб бериш плани бажарилди.

СССРнинг озиқ-овқат программасини бажаришни таъминлайдиган тармоқларни ривожлантиришга сарфланган давлат **капитал маблағи** 29 миллиард сўмдан ошиб кетди.

Суғориладиган ва захи қочирилган бир миллион гектарга яқин ер фойдаланиш учун қабул қилиб олинди.

Картошка, сабзавот ва мева сақланадиган кўп миқдордаги омборлар ишлатиш учун топширилди.

### IV. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Ҳамма турдаги транспортнинг юк ва пассажир ташиши (жўнатиши) 5,6 процент, юк обороти 5,3 процент, пассажир обороти 3,9 процент кўпайди.

**Темир йўл транспортида** тўққиз ой мобайнида ёғоч ва ўтга чидамли материаллардан ташқари, ҳамма асосий юкларни ташиш плани бажарилди. Пландан ташқари салкам 80 миллион тонна юк, шу жумладан, 14 миллион тонна тошкўмир, 3 миллион тонна нефть ва нефть маҳсулотлари, 8 миллион тонна темир ва марганец руда, 5 миллион тонна қора металл ва бошқа жуда муҳим юклар ташиб берилди.

Юк ташиш таннархини камайтириш юзасидан белгиланган топшириқ бажарилди. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан меҳнат унумдорлиги пландаги 2,1 процент ўрнига 8,2 процент кўпайди. Юк ташишни ўстиришнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланди. Ҳамма темир йўллар юк ташиш планини уддалади. Ҳаракат составидан фойдаланиш яхшиланди.

Шу билан бирга айрим темир йўллар бир қанча энг муҳим юкларни ташиш топшириқларини уддалай олмадилар.

Пассажирларга хизмат қилишдаги камчиликлар суст тугатилмоқда, поездларнинг кечикиш ҳоллари кўплаб учрамоқда. Юкларнинг йўлда йўқолиши ва бошқа унумсиз исрофгарчиликлар ҳали ҳам кўп. Вагонларнинг корхоналар шох йўлларида туриш нормаларининг ошиши, юк ортиш-тушириш ишлари аниқ ташкил этилмаслиги ва вагонлар яхши сақланмаслиги юк ортиш ресурсларининг қисқаришига олиб бормоқда.

**Денгиз транспорти** чет элларга юк ташиш планини бажарди, чет элларга юк ташиш 5 процент ошди.

**Дарё транспорти** пассажирларни жўнатиш ва пассажир обороти юзасидан белгиланган топшириқларни ошириб бажарди. Юк обороти планини РСФСР Дарё флоти министрлиги, Белоруссия ССР Дарё флоти бош бошқармаси ва Эстония ССР Дарё транспорти бажармади.

**Автомобиль транспортида** пассажир ташиш ҳажми 4 процент ошди.

Газ саноати министрлигининг **газ қувурлари** товар газ етказиб бериш планини бажарди.

**Ҳаво транспорти** 90 миллиондан кўпроқ пассажир ташиди. Юк ташишнинг умумий ҳажми, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигидаги авиация-химия ишлари планлари бажарилди, халқ хўжалиги тармоқларига хизмат қилиш топшириғи амалга оширилди.

**Алоқа корхоналари** даромад олиш планини бажардилар; бу даромадлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6 процент кўпайди.

### V. КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

Давлат капитал маблағлари ҳисобидан **асосий фондларни** ишга тушириш 78,5 миллиард сўмни ёки 9 ойлик планга нисбатан 83 процентни ташкил этди. 115,2 миллиард сўмлик ёки 9 процент кўп давлат **капитал маблағлари** ўзлаштирилди. Шу давр учун белгиланган капитал маблағлар лимитининг 94 проценти фойдаланилди.

Мамлакат ишлаб чиқариш аппаратини техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлашни таъминловчи машинасозлик комплексининг ривожланиши учун сарфланадиган капитал маблағлар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 17 процент кўпайди.

Тюмень областидаги иккинчи Сургут ГРЭСида учинчи турбина, Қирғизистон ССРдаги Тошкўмир ГРЭСида ва Доғистон АССРдаги Миатли ГЭСида иккинчи турбиналар, бошқа бир қанча электр станцияларида янги турбиналар ишга солинди. Иркутск областидаги «Азейский» ва Тошкент областидаги «Ангренский» разрезларида кўмир қазиб олиш бўйича, Л. И. Брежнев номидаги Оскол электр металлургия комбинатида пўлат ишлаб чиқариш бўйича, Ю. В. Андропов номидаги Новолипецк металлургия комбинатида совуқ прокат бўйича, «Тольяттиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида синтетик аммиак ишлаб чиқариш бўйича янги қувватлар ишга солинди. Машинасозлик, қурилиш материаллари саноати, халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш қувватлари кўпайтирилди.

Аммо давлат плани номенклатурасига кирувчи объектларни ишга тушириш январь-сентябрь плани 49 процент бажарилди. СССР Энергетика ва электрлаштириш, Нефть, газ саноати, СССР Қурилиш материаллари саноати, Темир йўллар министрликлари, СССР Давлат агросаноат комитети ва бошқа министрликлар анчагина муҳим ишлаб чиқариш объектларини фойдаланишга топширишни таъминламадилар.

Хом ашёга каталитик йўл билан ишлов бериш, чўян, кабель буюмлари, металл қирқиш станоклари, темирчилик-пресс машиналари, калцийлаштирилган сода, ёғоч толали плиталар, асбест-цемент шиферлар, тикувчилик, трикотаж полотно, янги темир йўлларни қуриш бўйича энг муҳим қувватларни ишга тушириш плани бажарилди. Шу билан бир қаторда турбинали электр станцияларда йирик электр машиналари, технология процессларини назорат қиладиган ва созлаб турадиган асбоблар, тебранма подшипниклар, синтетик аммиак, синтетик смола ва пластмассалар, автомобиллар ва қишлоқ хўжалик машиналари учун шиналар, ёғоч-тахта материаллари, чарм пойабзал, мебель ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича қувватларни ишга тушириш тўққиз ойлик топшириғини бажаришда анча қолоқликка йўл қўйилди.

Магистрал газ ва нефть қувурлари, темир йўлларнинг электрлаштирилган участкаларини ишга тушириш топшириғи бажарилмади.

Қурилиш-монтаж ташкилотлари бажарган пудрат ишлари ҳажми 7 процент, меҳнат унумдорлиги 4,5 процент ошди.

Қурилиш комплексига кирадиган министрликлар бўйича пудрат ишлари ҳажми 7 процент, меҳнат унумдорлиги 4,9 процент ўсди. Пудрат ишларининг белгиланган ҳажмини бажариш 99,5 процентни ташкил этди.

Қурилиш министрликлари моддий-техника ресурсларини ишга тушириладиган объектларга жамламадилар. Бу эса ишга тушириш планининг бажарилмай қолиши сабабларидан бири бўлди. Ишга тушириладиган объектларда план топшириқларини бажариш даражаси умуман барча объектларда план топшириқларини бажариш даражасидан паст бўлди.

Пудратчи қурилиш-монтаж ташкилотларининг тўртдан бир қисмидан кўпроғида фойда олиш плани уддаланмади.

Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари ўтган йилнинг тўққиз ойидагига нисбатан анча баландроқ бўлса ҳам, сўнгги ойларда ўсиш суръатлари пасайиб кетди.

### VI. СОЦИАЛ РИВОЖЛАНИШ ВА ХАЛҚ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИНГ ЎСИШИ

Экономиканинг ўсиши негизида КПСС XXVII съездида қабул қилинган социал ривожланиш ва халқ фаровонлигини юксалтириш программаси амалга оширилмоқда.

Истеъмол ва жамғарма учун фойдаланилган миллий даромад 3, 7 процент кўпайди.

Ишчи ва хизматчиларнинг сони 9 ойда ўртача 118 миллион кишидан кўпроқ бўлди.

Меҳнатга ҳақ тўлаш ошди. Халқ хўжалигидаги ишчи ва хизматчиларнинг пул билан тўланадиган ўртача ойлик иш ҳақи ўтган йилнинг шу давридаги 189 сўм ўрнига 194 сўмга етди, иш ҳақининг ўсиши 2,9 процентни ташкил этди. Колхозчилар меҳнатига ҳақ тўлаш 4 процент ошди.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ортиши ва меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш билан айни бир вақтда меҳнатсиз даромадларга қарши кураш активлашмоқда.

Аҳоли ижтимоий истеъмол фондларидан 115 миллиард сўмлик тўловлар ва имтиёзлар олди, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4,5 миллиард сўм кўпдир. Ана шу тўловлар ва имтиёзлар ҳисобга олинганида ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи ойига 271 сўмни ташкил этди.

Меҳнаткашларнинг омонат кассаларидаги жамғармаси 9 ой мобайнида 11 миллиард сўмликдан кўпроқ ортди.

Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар обороти ҳажми 245, 9 миллиард сўмни ташкил этди ҳамда 1985 йилнинг тўққиз ойидагига нисбатан таққосланадиган нархларда 15,2 миллиард сўм ёки 6,6 процент кўпайди.

Чакана товар обороти плани умуман мамлакат бўйича бажарилди. Айни вақтда Белоруссия ССР, Грузия ССР, Озарбайжон ССР, Арманистон ССР ва Туркманистон ССРда планнинг бажарилиши таъминланмади.

Аҳоли коллектив боғдорчилиги ва сабзавотчилигининг интенсив ривожланиши туфайли ёғоч-тахта ва қурилиш материалларига талаб ортмоқда. Аммо шу материалларнинг кўпчилик турларига бўлган талаб тўла-тўкис қондирилмаяпти, тўққиз ой мобайнида савдога ана шу материалларни етказиб бериш плани бажарилмади.

Алкоголли ичимликлар сотишни қисқартириш юзасидан тадбирларни амалга ошириш давом этди: тўққиз ой мобайнида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан бундай ичимликлар 38 процент кам сотилди; аҳолининг алкогол ичимликларни сотиб олиш учун харажатлари 8,5 миллиард сўмлик камайди. Алкоголли ичимликларни истеъмол қилишнинг камайиши мамлакатдаги вазиятни умуман соғломлаштиришга кўмаклашмоқда —ишчиларнинг ишга кечикиб келиш ҳоллари, йўл-транспорт ҳодисалари, турмушда шикастланиш сони камайди, бахтсиз тасодиф сабабли аҳоли ўртасида ўлим кескин камайди (бу кўрсаткич 24 процентни ташкил этди).

Шу билан бир қаторда бир қанча республикалар Министрлар Советлари вино корхоналарини бошқа маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтказиш, халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва ҳақ олиб бажариладиган хизматларни кўпайтириш юзасидан ҳамма имкониятларни ишга солиш, шу асосда аҳоли пул даромадлари ва харажатларининг мувозанатлашувини таъминлаш учун зарур чораларни кўрмаяптилар.

Халқ истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасини ривожлантиришнинг комплекс программасига мувофиқ аҳолига 37 миллиард сўмлик ҳақ тўланадиган хизмат кўрсатилди ёки бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 17 процент кўп бўлди. Маиший хизмат ҳажми 8 миллиард сўмни ташкил этди ва йиллик пландаги 6,7 процент ўрнига 7,3 процент ошди, қишлоқ жойларда маиший хизматнинг ўсиш суръатлари илдамроқ бўлишига эришилди. Ўзбекистон ССР, Грузия ССР, Озарбайжон ССР ва Тожикистон ССР Маиший хизмат министрликларининг корхоналари ва ташкилотлари планни уддалай олмадилар.

Товар обороти ва хизмат кўрсатиш ортган бўлса ҳам буларнинг айрим турларига аҳолининг ўсиб бораётган талаби тўла қондирилмади, илгари бўлганидек, ҳозир ҳам кўпгина буюмлар ва хизмат турларининг сифати эҳтиёждан орқада қолмоқда.

Енгил саноатнинг иши ёмонлашди. Модали буюмларнинг улуши кам. СССР Енгил саноат министрлиги ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида ана шундай буюмлар салмоғи икки процентдан камроқни ташкил этади. Шу министрлик корхоналарида тайёрланаётган кийим-кечак, пойабзал ва газламанинг 8—10 проценти муттасил бракка чиқарилмоқда ва сорти пасайтирилмоқда.

Уй-жой қурилишининг миқёслари кенгайди. Фақат давлат капитал маблағлари ҳисобидан умумий саҳни 50,5 миллион квадрат метр бўлган уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4,9 миллион квадрат метр ёки 11 процент кўпдир. Аммо бутун мамлакат миқёсида уй-жойларни фойдаланишга топшириш плани бажарилмади.

Давлат капитал маблағлари ҳисобидан 935 минг ўқувчига мўлжалланган умумтаълим мактаблари, 272 минг ўринли мактабгача болалар муассасалари, 25 минг ўринли касалхоналар, ҳар сменада 59 минг кишини қабул қилиб оладиган амбулатория-поликлиника муассасалари фойдаланишга топширилди. Ишга туширилиши лозим бўлган барча умумтаълим мактабларининг янги ўқув йили бошланишигача қуриб битказилишига эришилмади. Мактабгача болалар муассасалари, касалхоналар, амбулатория-поликлиника муассасаларини қуриб битказиш тўққиз ойлик плани бажарилмади.

Биринчи сентябргача бўлган аҳволга кўра, халқ депутатлари маҳаллий Советлари уй-жой фонди умумий саҳнининг 91 проценти қиш шароитларида фойдаланишга шай қилиб қўйилган эди.

Шаҳарлар ҳаво ҳавзаси ифлосланишини, ифлос оқава сувларнинг сув манбаларига келиб тушишини камайтириш, айланма сув таъминотини кўпайтириш тадбирлари бажарилди. Шу туфайли биринчи ярим йилликнинг ўзидаёқ ҳар кеча-кундузда бир миллион куб метрдан кўпроқ тоза сувни тежаш мумкин бўлди.

Умумтаълим ва ҳунар мактаби **ислоҳоти** қадам-бақадам амалга оширилмоқда.

1986—1987 ўқув йилининг бошида умумтаълим мактабларида 43,5 миллион ўқувчи таълим олмоқда, шулардан 5,5 миллион нафари биринчи синфда ўқий бошлади, бу болаларнинг бешдан бири 6 ёшида биринчи синфга қабул қилинди. Ўрта махсус ўқув юртларида 4,5 миллион киши, олий ўқув юртларида 5,2 миллион киши таълим олмоқда. Ҳунар-техника билим юртларига 2,6 миллион киши қабул қилинди.

Совет Иттифоқи **аҳолисининг сони** 1986 йилнинг 1 октябрида 280,9 миллион кишини ташкил этди.

***СССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ***

## *ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИ*

### ОКТЯБРЬ РАЙОНИ

Октябрь район партия комитетининг пленуми бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди.

О. Х. Асқаров Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари этиб сайланганлиги муносабати билан район партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод этилди. Тошкент область партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими инструктори бўлиб ишлаб келган Х. С. Орипов район партия комитети составига киритилди, район партия комитетининг бюро аъзоси ва биринчи секретари этиб сайланди.

Пленумда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин сўзга чиқди.

### АНГРЕН ШАҲРИ

Ангрен шаҳар партия комитетининг пленуми бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Пленум В. В. Березовскийни ишда камчиликларга йўл қўйганлиги учун шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод этди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими инспектори вазифасида ишлаб келган А. П. Володарский шаҳар партия комитети составига киритилди, шаҳар партия комитетининг бюро аъзоси ва биринчи секретари этиб сайланди.

Пленумда область партия комитетининг секретари В. Г. Гордиенко сўзга чиқди.

### БЎСТОНЛИҚ РАЙОНИ

Бўстонлиқ район партия комитетининг пленуми бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди.

А. А. Айдарқулов Навоий область партия комитетининг секретари этиб сайланганлиги муносабати билан пленум уни район партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилди. Шу район партия комитетининг иккинчи секретари бўлиб ишлаб келган Ж. Ж. Турдалиев район партия комитетининг биринчи секретари этиб сайланди. Тошкент область партия комитети қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати бўлими инструктори бўлиб ишлаб келган С. Оспанов район партия комитети составига киритилди, район партия комитетининг бюро аъзоси ва иккинчи секретари этиб сайланди.

Пленумда область партия комитетининг секретари С. Д. Сайдалиев сўзга чиқди.

## ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

**ЎРТА ЧИРЧИҚ**

◆ ТЕРЕШКОВА НОМЛИ ҳамда «Коммунизм» колхозлари деҳқонлари ҳам маррага етдилар. Терешкова номли колхозда ҳар гектар ер ҳосилдорлиги ўртача 28,4 центнердан бўлди. Давлатга 1745 тоннадан ортиқ пахта сотилди. Далаларда самарали ишлатилган 14 та агрегатнинг ҳар бирида шу кунгача ўртача 115 тоннадан пахта терилди. Умуман асосий ҳосилнинг 85 проценти машиналар ёрдамида йиғиштириб олинди. Хўжалик аъзолари яна 220 тонналик хирмон уйишга сўз бердилар.

«Коммунизм» колхозида эса давлатга топширилган 2500 тонна пахтанинг 90 проценти агрегатлар ёрдамида йиғиштириб олинди.

Йиғим-терим суръатини пасайтирмасликка ҳаракат қилаётган колхоз пахтакорлари давлатга яна 350 тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилишди.

**БЕКОБОД**

◆ **ЭСОН НОРТОЙЛОҚОВ, Султон Мирзаев, Абди Дўстматов сингари кишилар Навоий номли колхозда илғор бригада бошлиқларидан саналишади. Улар ғўза парвариши, йиғим-терим даврида ҳам пешқадамликни қўлдан бермай келишаяпти. Ана шундай кишиларнинг самарали меҳнатлари туфайли ўтган куни колхозда йиллик план районда биринчи бўлиб бажарилди. Мавжуд 1690 гектар майдондан 4535 тонналик хирмон уйилди. Ана шу ҳосилнинг 2910 тоннаси агрегатлар бункеридан тўкилди.**

## БЎСТОНЛИҚ: САБЗАВОТ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

БЎСТОНЛИҚ райони қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Давлатга сабзавот ва картошка сотиш планини муваффақиятли бажардилар. Ҳозирги кунга қадар эл дастурхонига пландаги 64 минг 300 тонна ўрнига 66 минг 500 тонна сабзавот, 4 минг тонна картошка етказиб берилди.

Бу муваффақиятга Жданов номли колхоз деҳқонлари, айниқса, салмоқли ҳисса қўшдилар. Мазкур хўжаликда пландаги 9420 тонна ўрнига давлатга 11 минг 749 тонна сабзавот сотилди.

«Ленинград» колхози деҳқонлари ҳам юқори кўрсаткичларга эришдилар. Сабзавот планининг муддатидан илгари бажарилишида Карл Маркс номли, «Қизилту», Фрунзе номли колхозлар, «Хўжакент» совхози меҳнаткашлари улуши ҳам баракали бўлди.

Ишни ўзаро социалистик мусобақа асосида ташкил этган жуда кўп бригадалар гектарлар самарадорлигини оширдилар. Жданов номли колхоздан С. Ибраев, А. Мавленов, «Ленинград» колхозидан Ж. Есимов, М. Хусанов, Карл Маркс номли колхоздан Ч. Жайловбоев, Фрунзе номли колхоздан Э. Жамолов сингари ўртоқлар бошлиқ коллективларда ҳар гектаридан 250—400 центнердан сабзавот ҳосили олинди.

Район меҳнаткашлари қолган ҳосилни ҳам йиғиб териб олишни тез кунларда тугаллаб қўшимча мажбуриятларини ҳам муваффақиятли бажариб, келгуси йил ҳосилига тайёргарликни кучайтириб юбориш учун зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Ф. НУРМАТОВ.

*ЧИНОЗ РАЙОНИ ПАХТАКОРЛАРИ ҒАЛАБАСИ*

# МУВАФФАҚИЯТНИНГ УЧ ОМИЛИ

**БУ ЙИЛ чинозлик пахтакорлар кўпчиликни ҳайратда қолдиришди. Йиғим-терим бошланган дастлабки кунданоқ биринчиликни қўлга олиб, то шу кунгача карвонбошилик қилиб келмоқдалар. Ёғингарчилик бўлган айрим кунларни ҳисобга олмаганда, терим суръати сусаймай, бир маромда давом этгани, айниқса, ҳамманинг диққат-эътиборини жалб этди.**

**Хўш, районда пахта йиғим-терими қандай ташкил этилди? Бу йил районнинг областда биринчи бўлиб пахта планини бажаришига сабаб бўлган асосий омиллар нималардан иборат? Қуйида биз ана шу омиллар ҳақида сўз юритамиз.**

### МУСТАҚИЛЛИК ВА ИШОНЧ КУЧИ

◆ ЧИГИТ ЭКИШГА киришиш арафасида район пахтакорлар советининг йиғилиши ўтказилди. Район партия комитети бу йиғилишнинг ташаббускори бўлди-ю, аммо ортиқча йўл-йўриқ ва кўрсатмалар берилмади. Аксинча, **хўжалик раҳбарлари, мутахассислар, тажрибали пахтакор ва механизаторларга ишониш, уларга мустақиллик бериш керак**, деган фикрни ўртага ташлади. Бу қишлоқ хўжалик ходимларининг кўпдан бери юракларида тугилиб келаётган дилларидаги гаплар, энг тўғри йўл эди.

Аммо район партия комитети ҳамма ишни хўжаликларнинг ихтиёрига топшириб қўйиб, хотиржамликка берилгани йўқ. Назоратни кучайтирди. Бунинг учун районнинг бош мутахассислари фаолиятини активлаштирди, уларнинг идораларда ўтиравермай, кўпроқ далага чиқишларини, жойлардаги аҳволдан, ғўзанинг ҳолатидан хабардор бўлиб туришларини талаб қилди.

Бутун ғўза парвариши давомида у ёки бу агротехник тадбирни қачон ўтказиш тўғрисида ноўрин кўрсатмалар, мажбур қилишлар бўлмади. Мустақил ва эркин ҳаракат қилиш имконига эга бўлган хўжалик раҳбаридан тортиб, оддий колхозчигача яхши кайфият, кўтаринки руҳ билан ишлади. Ўзларига билдирилган ишончга жавобан ҳар бир раҳбар ва мутахассис бор маҳоратини ишга солди.

— Район партия комитетининг янгича раҳбарлик усули айни муддао бўлди,— дейди Навоий номли колхоз партия ташкилотининг секретари, олий маълумотли агроном Акромжон Тоиров. — Ўзимиздан мисол оладиган бўлсак, биз бу йил чигитни ер шароитимизга қараб, ҳар қайси карта тупроқ ҳолатини ҳисобга олган ҳолда экдик. Ҳеч ким бизни шоширмади, мажбур қилмади...

Фақат Навоий номли колхозда эмас, бошқа хўжаликларда ҳам шундай бўлди. Ғўза ўзи талаб қилган пайтда озиқлантирилди. чанқаганда суғорилди. Қатор оралари керагида юмшатилди. Карталарни бегона ўтлардан тозалаш ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқ.

Ғўзаларнинг учини чилпиш ҳосил чўғига, айниқса, машина терими сифатига таъсир қиладиган тадбир. Агар ғўза эрта чилпиб қўйилса, ён шохлар ривожи кучайиб, тарвақайлаб кетади. Бу машина теримини, яъни аппаратнинг ишини қийинлаштиради, ҳосилнинг кўп қисми ерга тўкилади. Хўжалик мутахассислари бу йил чеканкани ҳар бир картадаги ғўзалар ривожини обдон кўздан кечириб, табақалаб ўтказишди.

Ғўза баргини тўкиш ҳосил тақдири ҳал бўладиган нозик иш. Мутахассисларнинг таъкидлашига қараганда дефолиант, айниқса хлорат магний сепилгандан сўнг ғўза, бинобарин хом кўсаклар ривождан тўхтайди, қотиб қолади. Кейинчалик совуқ (қиров) таъсирида ярим очилади-ю, аммо ғози, толасининг сифати бўлмайди. Бундай хом ашё саноат учун яхши эмас. Бу йил район хўжаликларида ғўза баргини тўкиш пайтида шу масала ҳисобга олинди, карталардаги ҳосилнинг пишиб етилишига қараб табақалаб дефолиация қилинди.

Хуллас. ҳосилнинг чўғи ва унинг эртаги бўлиши билан боғлиқ муҳим агротехника тадбирлари айни муддатида, сифатли, шошмасдан бажарилгани учун айрим хўжаликларни ҳисобга олмаганда район пахтазорларида ҳар қачонгидан ҳам мўл ва эртаги ҳосил етиштирилди. Мустақиллик ва эркинлик беришдан мақсад ҳам шу эди.

Қозонда бўлса чўмичга чиқади деганларидек, хирмон даладаги ҳосилдан уюлади. Далада бор экан, хирмоннинг баракали бўлиши аниқ. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

**Биринчи мисол.** Район хўжаликларида қарийб бир ҳафта давомида йиллик планнинг 5—6 проценти миқдорида пахта тайёрланди. Пахта қабул қилиш пунктлари ходимлари ҳеч қачон бу йилги мавсумдагидек, шошиб қолмаган эдилар.

**Иккинчи мисол.** Районда 9 та бригада биринчи машина теримидаёқ йиллик планни бажарди. К. Маркс номли колхознинг Ҳурматилла Суннатов бошлиқ ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадасида план бажарилганидан сўнг ҳам ҳали машина кирмаган карталар бор эди. Колхоз бўйича эса биринчи теримнинг ўзида йиллик планнинг 81 проценти миқдорида пахта тайёрланди. Колхоз тузилгандан буён бундай кўрсаткичга эришилмаган эди. Ҳозир хўжаликда мажбурият ҳам бажарилиб, қўшимча мажбурият ҳисобига пахта топширилмоқда.

**Учинчи мисол.** Навоий номли колхознинг жами пахта майдони 810 гектар. Биринчи терим тугаганидан сўнг дастлаб машина тушган картадан бошлаб 400 гектарга яқин майдонда иккинчи терим ўтказилган пайтда йиллик план бажарилди.

— 400 гектар майдонда ҳали иккинчи теримга тушилгани йўқ,— дейди партком секретари А. Тоиров.— Бундан ташқари, ерга тўкилган пахта ҳам шундоқ турибди. Ҳали гектарларда камида 7—8 центнердан ҳосил бор. 14 октябрга ҳосилдорлик 33,3 центнерга етган эди. Демак, 40 центнердан ошишига шубҳа йўқ. Биз колхозимизда илгари ҳам шундай мўл ҳосил етиштирилганини эслай олмаймиз.

### МАШИНАЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ БЕРИЛДИ

◆ «ПАРТИЯ XXIV съезди» совхози чорвачиликка ихтисослашган. Шунга қарамай, район партия комитетининг иккинчи секретари Эргаш Собиров бизга шу хўжаликка, албатта, боришни маслаҳат бериб, қизиқ бир мисол келтирди. Совхозда ҳар йили 800 гектар атрофидаги баланд-паст ерларга пахта экилиб, ҳосили асосан қўлда териб олинар эди.

Бу йил совхоз механизаторлари қия ерларда машина имкониятларини синаб кўриб, ўзлари кутмаган натижага эришдилар. Совхоз пахта тайёрлаш планини райондагина эмас, ҳатто областда биринчи бўлиб бажарди. 2400 тонна пахтанинг 1800 тоннасини яъни 75 процентини механизаторлар териб беришди.

Райкомда бу совхозни мисол қилиб кўрсатишларининг боиси бор экан. **Бу йил район партия комитетининг тавсияси билан ҳамма хўжаликларда терим машиналарига кенг йўл очиб берилди. Аввалари бўлганидек, бирорта хўжалик раҳбари, мутахассис ёки бригада бошлиғи бу йил машинадан юз ўгирмади, унинг куч-қудратига шубҳа билан қарамади.**

Бунда ҳам район партия комитети билан район Совети ижроия комитетининг тўғри йўл тутганлиги ҳал қилувчи роль ўйнади. Илгаригидек, 60—65 процент эмас, 75—80 процент ҳосил пишиб етилгандан сўнг ёппасига машина теримига киришилди. Ҳеч ким шошма-шошарлик қилмади. Далалардаги асосий ҳосил обдон етилди, машиналар учун кенг ва қулай иш фронти очилди. Кўкламданоқ мўлжал машина теримига қаратилгани учун карталар ҳам шунга мосланди, аппаратлар шошилмай, пухта созланди. Терим қизғин паллага кирган кунларда 144 машинанинг бирортаси сафдан чиқмай, унумли ишлади. Уларнинг ҳар бири бункеридан ўртача 9,5 тоннадан пахта тўкилган кунлар кўп бўлди.

Навоий номли колхознинг бу йил планни биринчилар қатори 18 иш кунида бажарганлиги ҳам машиналар шарофатидан.

— Афсуски, биз ўз айбимиз билан муҳим бир ғалабани қўлдан бой бердик,— дейди колхоз раиси Ҳолдор Акромов.— Агар биз маслаҳатга кириб, иккита янги терим машинаси сотиб олганимизда, районда эмас, областда биринчи бўлиб маррага етган бўлар эдик. Чунки ҳар бир машина билан 120 тоннадан пахта терилди. Иккита янги машинада камида 250 тонна пахта терилган бўларди. Бу йиллик планнинг қарийб 9 процентига тенг.

Райкомдаги суҳбат. чоғида ўнлаб механизаторларни ўз ортидан эргаштириб, машина теримининг кенг фронт бўйлаб авж олишига сабабчи бўлган ташаббускор механик-ҳайдовчилар ҳақида илиқ-иссиқ гаплар айтилди. Шулар орасида К. Маркс номли колхоз механизатори Баҳром Мансуровнинг номи биринчи бўлиб тилга олинди. У ўтган йилдагидек, бу мавсумда ҳам районда энг кўп пахта терибди.

— 250 тонна пахтанинг 170 тоннасини Баҳромнинг ўзи териб берди,— дейди бригада бошлиғи Тошболта Бобоқулов.— Бу пахтани ҳар йилгидек, ёрдамчилар кучи билан қўлда терганимизда ҳаражат кўпайиб кетарди. Машиналар шарофати билан таннарх кескин арзонлашди. Бир центнер пахтанинг таннархи 47 сўм қилиб белгиланган бўлса, бизда 40 сўмга ҳам бормайди. Тежалган маблағ йиллик ҳисоботдан сўнг ўзимизга мўмай даромад бўлиб қайтиб келади. Агар ўтган йили ҳар бир сўмимизга 1 сўм 5 тийиндан қўшимча даромад олган бўлсак, бу йил 2 сўмдан кам бўлмаслиги ҳозирданоқ маълум бўлиб қолди...

Хуллас, чинозликлар бу мавсумда машиналарга таяниб икки томонлама наф кўришди. Биринчидан, вақтдан ютишиб, ортиқча қийинчиликсиз планни барвақт бажардилар. Иккинчидан, ҳам сарф-ҳаражатни камайтириб, ҳам юқори сорт хом ашёни кўпайтириб, соф даромадни кескин оширдилар. Аммо уларнинг асосий ютуқлари шу бўлдики, фақат машиналаргина пахтакорга мустаҳкам таянч бўла олишига амалда ишонч ҳосил қилдилар. Бундан буён ана шу таянчни янада мустаҳкамлаш режасини тузмоқдалар.

### ДАЛАДАГИЛАР ҲУРМАТ—ЭЪТИБОРДА

◆ 3 ОКТЯБРЬ куни «Қизил Октябрь» колхозининг Мукамбар Норқулова бошлиқ бригадаси дала шийпонига одам сиғмай кетди. Ҳамма байрам кайфиятида. РАПО Советининг раиси Е. Ерхўжаев агросаноат комплекси ходимлари касаба союзи район комитети таъсис этган совға — «Изумруд» телевизорини коллективга тақдим этди. Колхоз партия ташкилоти секретари Маҳкам Усмонов илғор бригадалар учун белгиланган 200 сўм пул мукофотини топширди. Чайковский номли 35-музика мактабида ташкил этилган «Ғунча» болалар ансамбли «Ассалом, олтин қўлли заршунослар!» деб номланган адабий-музикали программани намойиш этди. Бригада бошлиғининг исм-фамилияси районнинг ҳурмат тахтасига ёзилди.

Бригада аъзоларига нисбатан бундай иззат-ҳурматнинг боиси бор эди ,албатта. Коллектив йиллик планни районда биринчи бўлиб бажарди.

План ва мажбуриятларини муддатидан илгари бажарган коллективларни шарафлаш изчил давом этмоқда. **Районда йиғим-терим қатнашчиларига ғамхўрлик қилиш, улар меҳнатини қадрлаш, иш шароитларини яхшилаш юзасидан амалий чоралар кўрилмоқда.** Медицина, савдо, маданий-маиший хизмат муассасалари учун алоҳида-алоҳида ҳаракат графиги тузилган.

Район матлубот жамиятининг 9 та кўчма дўкони аниқ график бўйича хўжаликларнинг дала шийпонларига қатнамоқда. Даладагилар бу дўконлардан янги сўйилган гўшт, колбаса маҳсулотлари, сариёғ ва бошқа камёб саноат маҳсулотларини харид қилмоқдалар.

Район маданият бўлимининг 3 та агитбригадаси, хўжаликларда тузилган яна 6 та бадиий ҳаваскорлик коллективлари планни бажарган ва мусобақада ғолиб чиққан бригада, участка ва хўжаликларда навбати билан концерт қўйиб беришяпти.

Қишлоқ участка касалхонаси ходимлари ўзларига бириктирилган, хўжалиқ далаларида медицина назорати олиб боришмоқда. Марказий касалхонада ташкил этилган тез медицина ёрдами группаси махсус автомашиналарда мунтазам дала кезмоқда.

Маиший хизмат бошқармаси бевосита терим қатнашчиларига хизмат қиладиган 4 та автомашина ажратган. Уларга бириктирилган ходимлар колхозларга чиқишиб, буюртмалар қабул қилишмоқда ва ремонтга топширилган ёки янги буюртма қилинган буюм ва кийим-кечакларни хонадонларга олиб бориб бермоқдалар.

Меҳнатлари муносиб қадрланиб, ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатилаётганлигини ҳис этиб турган йиғим-терим қатнашчилари яхши кайфият билан ишни давом эттиряптилар.

**...БИЗ ҚАТОР хўжаликларда бўлиб, тажрибали пахтакор ва механизаторлар, мутахассис ва раҳбарлар билан суҳбатлашгач, хўжаликларга мустақиллик берилиб, уларга катта ишонч билдирилганлиги, йиғим-теримнинг асосий оғирлиги техника зиммасига юкланганлиги ва ниҳоят далада ишлаётганларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатилганлиги — бу йилги муваффақиятнинг асосий омиллари бўлди, деган хулосага келдик. Район партия комитетининг биринчи секретари хонасида бошланган суҳбатимизга В .Г. Грешчукнинг ўзи якун ясади:**

**— Район меҳнаткашларининг бу йилги ютуқлари ҳақида гапирганда ўзбек деҳқонининг «Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда» деган нақлини, албатта, эсга олиш керак,— деди Владимир Гаврилович.— Агар ёдингизда бўлса, ўтган йили чинозликлар кузги шудгорни биринчи бўлиб бошлаб, барвақт тугатишган эди. Ер яхши дам олди, қувват тўплади. Бу—ҳосилдорликнинг муҳим шарти. Биз теримни сусайтирмаган ҳолда, кузги шудгор тайёргарлигини кўряпмиз.**

**Биринчи секретарь бор гапни айтди. 15 октябрь куни ҳамма хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари К. Маркс номли колхозда ҳосилдан тўла тозаланган карта бошида тўпланишди. Бу карта уларга намуна сифатида кўрсатилди. Район партия комитети ҳамма хўжаликларда майдонлар ҳосилдан шу таҳлитда тозалангач, шудгорни бошлашга рухсат берди.**

**Ҳозир пахтазорларда иккинчи машина терими охирлаб, ерга тўкилган пахтани териш уюшқоқлик билан давом эттириляпти. Бир ёқдан эса ҳайдов тракторлари далаларга олиб чиқиляпти. Демак келгуси йил ҳосили учун ҳам ҳозирданоқ замин яратилмоқда.**

**А. ЙЎЛДОШЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

УШБУ МАТЕРИАЛ газетада босиш учун тайёрланган пайтда редакцияга райондан яна бир хушхабар келди. Чинозликлар давлатга топширган пахта 30 минг тоннадан ортди ва улар социалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан бажардилар. Энди районда оширилган мажбурият ҳисобига пахта топширилмоқда.





СУРАТЛАРДА: (чапдан) К. Маркс номли колхоз механизатори Рашид Абдуллаев мавсумда 160 тонна пахта териб, пешқадамлар сафидан ўрин олди; РАПОнинг бош инженери А. Иброҳимов (ўнгда) Навоий номли колхоз трактор парки токари Э. Маматқулов (чапдан ўнгга), механик — ҳайдовчи А. Олтмишбоев, слесарь У. Сарибоев ва механизатор А. Мирусмоновлар билан суҳбатлашмоқда; «Қизил Октябрь» колхозининг илғор бригадаси бошлиғи М. Норқулова.

А. МАЛЬЦЕВ фотолари.

*ОТА МАКТУБИ*

# Бозор сўмининг касри

Ўғлим хусусидаги гап-сўзлар босилган, хотиним узоқ давом этган дарддан қутулиб, ўзига келгандан сўнг ягона мақсад — болаларнинг келажаги учун масъулиятни унутиш борасида биз йўл қўйган хато бошқа ота-оналарга сабоқ бўлсин деган ниятда ушбу мактубни ёзиб редакцияга жўнатишга аҳд қилдим.

Касбим шофёрлик, хотиним яслида энага. Беш фарзанд ўстираяпмиз. Ҳозир анча нарса ўзгарган бўлса-да иноқ яшамоқдамиз.

Бундан уч йил муқаддам ўн беш йилдан буён ишлаб келаётган автокорхонада ишлаб чиқариш илғорларини мукофотлашганда улар орасида мен ҳам бор эдим. Уй-жой шароитим ноқулайлигини ҳисобга олган дирекция ва касаба союз комитети менга иморат қуриш учун ер майдони ажратишни сўраб халқ депутатлари район Совети ижроия комитетига тавсиянома ёзишди.

Катта ариқ бўйидан олти сотих ер беришганида хотиним ва болаларимнинг бошлари осмонга етди. Салпал жамғармамиз бор эди, қариндошлар ёрдам қўлини чўзишди, шу тариқа уй қурилишини бошлаб юбордик. Ишимиз секин борар, ўзимизни анча-мунчадан тийган эдик. Шундай бўлса-да оиламиз аъзоларидан ҳеч бири нолигани йўқ. Чунки улар ўз келажагимизни бунёд этаётганимизни билишарди-да.

Кунлардан бирида кўчамизда биринчи бўлиб шинам уй-жой қуриб олган қўшнимиз кириб келди. Мен чекаётган қийинчиликларни билгач, норозилик билан бош чайқади:

— Эсли-ҳушли, ҳар иш қўлингиздан келадиган одамга ўхшайсиз-у яшашни билмас экансиз, қўшни. Мана бу ер нега бўм-бўш турибди? Помидор, бодринг, ҳар хил кўкатлар, девор атрофи бўйлаб малина эксангиз-ку қўшимча даромад келаверади. Ўзингиз етиштирган маҳсулотни бозорга чиқариб сотадиган бўлсангиз сизга таъна қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Ўшанда хотиним иккаламиз роса ўйладик. Ахир пул керак, шунчалик керакки, асти қўяверинг. Лекин у маҳсулотни ким чиқариб сотади? Кундузи ишда бўлсам, кечқурун уй қурилишида бандман. Хотинимнинг ҳам иши бошидан ошиб ётибди. Бозорга ўн уч яшар ўғлимиз Давронни чиқарадиган бўлдик. У тушдан кейин ўқир, эрталаб икки соатда ҳамма нарсани сотишга улгуриши мумкин эди.

Бизнинг бу қароримизга у қанчалик қарши турганини ҳамон эслайман. «Ҳеч қачон бозорга чиқиб бирор нарса сотмайман,— деди у йиғламсираб. Болаларнинг бетига қандай қарайман, ахир!» Кўп кунлар давомида уни кўндиришга ҳаракат қилдик, ўз еримиздан чиққан сабзавотни бозорда сотишнинг орият қиладиган ҳеч қандай жойи йўқ, деб тушунтирдик. Ўғлимиз кўнгилсизлик билан, истар-истамас кўнди. Буларнинг ҳаммаси нақадар нохушликка олиб келишини ўшанда ҳатто ўйламаган эдик.

Кўкламда ерни чопиб уруғ ва ниҳол экдик. Ўғлимизни бироз ўргатиш учун дастлабки ҳосилни хотиним сотадиган бўлди. Кечқурунлари у Давроннинг харидорлар тўдасига ҳайрат ичра қараши, бирор таниш кўриниб қолса кўздан қочишга интилиши хусусида кулиб гапирарди. Ўғлимиз секин-аста кўника борди ва мустақил савдо қиладиган бўлди.

Бир куни Даврон бозорга боришдан қатъий бош тортди:

— Ортиқ чидолмайман! Мактабга улгуриш учун арзонроқ сотадиган бўлсам теварак-атрофдагилар жанжал кўтаришади, арзон-гаровга бераяпсан, савдони бузаяпсан деб шовқин қилишади. Олибсотарга ўхшашмайди-ю, одамлардан кўпроқ юлишга интилишади.

Ўшанда ўғлимизни зўрға кўндирдик, бир йилдан сўнг қўшимча даромадга ҳожат қолмайди, уйнинг томи албатта ёпилади, дея ваъда қилдик.

Кузга бориб Даврон бозордаги тартиб-қоидаларга ҳайрон қолмайдиган. Ўзи кўрган ва эшитган одатдан ташқари воқеа-ҳодисалар хусусида кулиб сўзлайдиган бўлди. Биз бунга унчалик аҳамият бермасдик, оғзидан қўполроқ сўзлар чиққандагина сал-пал койиб қўярдик.

Тўғри, бозордан топилган пул ҳолимизга жуда-жуда яради, шу туфайли бошланган ишни келгуси йилда давом эттирдик.

Ҳа, айтгандай, экин экилган жўяклар устини плёнка билан ёпишни Даврон маслаҳат берди — эртаги помидор, бодринг, бақлажоннинг нархи ҳамиша баланд бўлишини айтди.

Ўша баҳор кунларида ўғлимиз қўшниларнинг болаларига нисбатан менсимаслик ва мақтанчоқлик билан муносабатда бўлаётганини, танга ташлаш «ўйини»га ҳаддан ташқари берилаётганини сездим. Уни бир четга чақириб яккама-якка гаплашишга ҳаракат қилдим, хулқ-атворини ўзгартиришни маслаҳат бердим. Ўсмирликдан йигитликка ўтиладиган пайт, яхши томонга қайрилиб қолар, деб ўйладим ўшанда. Афсуски, янглишган эканман.

Ўғлимизнинг чўнтагида ортиқча пул пайдо бўлди. Бозорда сотилган нарсаларнинг пулини, шубҳасизки, борича олиб келарди, лекин биздан аввалига тийинларни, сўнгра эса сўмларни яшириб қолиши аниқланди. «Буни қаердан олдинг?» деган саволга «Ёнимдаги одам уйига кетиб қолди, кўкатпўкатини, бодрингини сотиб туришни илтимос қилди» дея бамайлихотир жавоб берарди.

Бир гал уйимизга синф раҳбари келди. Муаллима ўғлимизнинг дарсдан тез-тез қолаётганидан, бозорда савдо-сотиқ билан шуғулланиши хусусидаги гап-сўзлардан ташвишланаётганини айтди. Ўшанда ҳаммасини шахсан ўзим аниқлайман, масалани бир ёқлик қиламан дея ваъда бериб, педагогни алдаганимни энди тушундим. Кузгача ўғлимизни бозорга жўнатиш ниҳоясига етар, деган хаёлга борган бўлсам керак-да.

Даврон нотаниш кекса бир одамни уйимизга бошлаб келган ўша машъум кун кечагидек эсимда. Ўғлимиз уни бозордаги устози, оғзи шалақ бозорчи аёллар ҳужумидан ҳимоя қилувчи пушти паноҳи сифатида таништирди. Хушмуомала, сертакаллуф Қодир Аъзамович бизга ҳатто ёқиб қолди. У рўй берган манзарани тушунтирди: ўғлимнинг тўйи бўлиши керак, шу сабабли колхоздан ўн гектар майдонни пудратга олувдим, ерёнғоқ дабдурустдан яхши ҳосил берди, унинг бир қисми шартномага кўра ўзимизга тегди, деди у ва шуни ҳали қуриб битказилмаган уйимизда қишгача, яъни нархи дидга тўғри келадиган пайтгача сақлашни сўради. Биз унинг таклифига кўнганимизда ҳалиги одам беҳад қувонди.

Юк машинасининг устигача ерёнғоқ жойланган қоплар ортилганини кўрганимда кўнглимда дарҳол шубҳа пайдо бўлди, албатта. Лекин Қодир Аъзамович атайлаб ҳужжатларни кўрсатди. Бир ойдан сўнг у бизникига яна келди. Фақат ўз ихтиёри билан эмас — прокуратура ходимлари қуршовида милиция машинасида «ташриф буюрди». Бу ишга менинг даҳлим йўқлигини дарров аниқлашди, аммо ўғлимизнинг иши яхши эмасди. Даврон ўтакетган ўғри, колхоз даласидан уч тонна ерёнғоқни ўмарган каззобга яқиндан ёрдам кўрсатиб, жиноят иштирокчисига айланганди. Давроннинг чўнтагида ортиқча пул қаердан пайдо бўлганига, магнитофонни «лотерейга ютгани»га, жинси шимларни «ўртоқлари совға қилишгани»га энди тушундик.

Бозор ўн беш яшар ўсмир учун яхши мактаб бўлолмас экан, виждонан айтадиган бўлсам, у ўғлимни бузган экан. Гарчи суд йигитнинг ёшини, тажрибасизлигини, чин юракдан пушаймон қилганини ҳисобга олган бўлса-да унга балоғатга етмаган жиноятчилар колониясида икки йил мобайнида бўлишдек ниҳоятда қаттиқ жазо берди.

Энди қўшниларнинг кўзига қарашдан уяламан, ишхонамда орқамдан гапиришаётгандек туюлади, оилада кўз ёши ва ҳафагарчилик. Уй ҳали қуриб битказилган эмас, у ерда кўринишни ҳам истамайман. Даврон товба-тазарру қилиб хатлар ёзади, ҳаммасига ўзини гуноҳкор деб ҳисоблайди. Аслида эса биз, ота-она гуноҳкормиз — қўшимча даромад орқасидан қувиб ўз фарзандимизни нақ жар ёқасига етказиб қўйганмиз.

Бўлган ишни тузатишнинг иложи йўқ. Лекин бошқа ота-оналар бизнинг оиламизда рўй берган фалокат хусусида чуқур ўйлаб кўрсинлар. Бозор растаси болалар ва ўсмирларнинг ўрни эмаслигини ҳамиша ёдда тутсинлар. Худди ана шу бозордан топилган касофат сўмлар болаларни балога гирифтор қилади, уларнинг виждонини ўғирлайди, ўмарувчилар ва чайқовчилар чангалига дучор этади. Менинг ўғлим ана шундай қисматга йўлиқди.

**М. МУСАЕВ,**
**шофёр.**
**Юбилейний посёлкаси. Тошкент области**
**(«Учительская газета»нинг 18 октябрь сони).**

